

**САМАРҚАНД ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ  
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ  
DSc.27.06.2017.F.02.02 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**САМАРҚАНД ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ**

**СУЛТАНОВА ГУЛНОЗА САБИРОВНА**

**ПОСТНОКЛАССИК ИЛМИЙ ТАФАККУР ТАРЗИДА ҒОЯВИЙ  
ВОРИСЛИК ВА ИННОВАЦИЯ МУАММОЛАРИ**

**09.00.01 - Онтология, гносеология ва мантиқ**

**ФАЛСАФА ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD) ДИССЕРТАЦИЯСИ  
АВТОРЕФЕРАТИ**

Самарқанд - 2018

**Фалсафа фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси  
автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора философии(PhD)  
по философским наукам**

**Content of the abstract dissertation of the doctor of Philosophy (PhD) on  
philosophical sciences**

Султанова Гулноза Сабиловна Постноклассик илмий тафаккур тарзида ғоявий ворислик ва инновация муаммолари .....	3
Султанова Гулноза Сабиловна Идейная преемственность и проблемы инновации в постнеклассическом стиль научного мышления.....	17
Sultanova Gulnoza Sabirovna Ideas continuity and the problems of innovation in the post-nonclassical style of scientific thinking .....	31
Эълон қилинган ишлар рўйхати List of publications Список опубликованных работ .....	35

**САМАРҚАНД ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ  
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ  
DSc.27.06.2017.F.02.02 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**САМАРҚАНД ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ**

**СУЛТАНОВА ГУЛНОЗА САБИРОВНА**

**ПОСТНОКЛАССИК ИЛМИЙ ТАФАККУР ТАРЗИДА ҒОЯВИЙ  
ВОРИСЛИК ВА ИННОВАЦИЯ МУАММОЛАРИ**

**09.00.01 - Онтология, гносеология ва мантик**

**ФАЛСАФА ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD) ДИССЕРТАЦИЯСИ  
АВТОРЕФЕРАТИ**

**Самарқанд – 2018**

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В 2017.2.PhD/Fal 70 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Самарқанд давлат университетида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифасида samdu.uz ва “ZiyoNet” Ахборот таълим портали (www.ziynet.uz) манзилларига жойлаштирилган.

**Илмий раҳбар:**

**Қўшоқов Шухрат Солиҳович**  
фалсафа фанлари доктори, профессор

**Расмий оппонентлар:**

**Бердимурадова Алима Карлыбаевна**  
фалсафа фанлари доктори, профессор

**Туленова Карима Жондоревна**  
фалсафа фанлари доктори, профессор

**Етакчи ташкилот:**

**Бухоро Давлат Университети**

Диссертация ҳимояси Самарқанд давлат университети ҳузуридаги **DSc.27.06.2017.F.02.02** рақамли Илмий кенгашнинг 2018 йил “ ” \_\_\_\_\_ куни соат \_\_ даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 140104, Самарқанд шаҳри, Университет хиёбони, 15. Тел: (0366) 239-13-87, 239-11-40; факс: (0366) 239-11-40; e-mail: rektor@samdu.uz Самарқанд давлат университети Тарих факультети, 1-қават, 105-хона)

Диссертация билан Самарқанд давлат университети Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (№\_\_ рақам билан рўйхатга олинган). Манзил: 140104, Самарқанд шаҳри, Университет хиёбони, 15. Тел: (0366) 239-13-87, 239-11-40; факс: (0366) 239-11-40

Диссертация автореферати 2018 йил « \_\_\_\_ » \_\_\_\_\_ куни таркатилди.  
(2018 йил « \_\_\_\_ » \_\_\_\_\_ даги \_\_\_\_\_ рақамли реестр баённомаси.)

**Б.О.Тураев**

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш  
раиси, фалсафа фанлари доктори, профессор

**О.М.Ғайбуллаев**

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш  
илмий котиби, фалсафа фанлари доктори, доцент

**С.Каримов**

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш  
қошидаги илмий семинар раиси, фалсафа фанлари доктори

## КИРИШ ( фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

**Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати.** Бугунги кунда жаҳон цивилизациясининг постиндустриал мамлакатлар ҳамжамиятига айланиб бориши, ахборотлаштириш, компьютерлаштириш ва турли маданиятлараро мулоқотнинг глобаллашуви инсон ҳаёти, илм-фан ва тафаккур тарзи жабҳаларида жиддий ўзгаришларга олиб келди. Фалсафа ва фан соҳаларида содир бўлаётган дифференциация ва интеграция жараёнлари эса, биринчидан, парадигмал инновацияларнинг, иккинчидан, янги типдаги фалсафий ва илмий тафаккур тарзининг вужудга келишига сабаб бўлмоқда.

Жаҳонда XX асрнинг охиригача чорагидан бошланган илмий-технологик ва когнитив ўзгаришлар, ғоявий ворислик ва инновация жараёнининг интенсив ривожланишига олиб келди ҳамда янги илмий феномен бўлган постноклассик илмий тафаккур тарзининг шаклланишига сабаб бўлмоқда. Ҳозирги замон фанларининг универсал эволюционизм, виртуалистика, синергетика, фракталлар назарияси сингари йўналишлари ўта мураккаб объектларни ўрганишга, классик ва ноклассик фанларнинг қоидалари ва тамойилларига мослашган тафаккур тарзининг эпистемологик имкониятлари чекланганлигини кўрсатди. Ҳозирги замон постноклассик илмий тафаккур тарзи фалсафа, фан ва технологияларда яратилган янги ғоялар, концептуал технологик лойиҳаларни чуқур тадқиқ қилиш ва истиқболлини прогноз қилиш имкониятини беради. Айни пайтда у фалсафа олдида янги мазмунга эга бўлган онтологик, эпистемологик ва методологик илмий-назарий муаммоларни кўяди. Бугунги кунда постноклассик илмий тафаккур тарзининг моҳияти, унинг ижодий имкониятларини таҳлил қилиш, илмий анъаналарга муносабат, етакчи фан ва технологияларда содир бўлаётган назарий, концептуал инновацион ғояларни ўрганиш, уларнинг эпистемологик ва методологик аҳамиятини англаб етиш каби масалалар ўта долзарбдир.

Ўзбекистонда барқарор ривожланиш жараёнларини модернизациялаштириш ва либераллаштириш мақсадида замонавий илмий йўналишлар ва технологияларни яратувчи ёшлар ҳамда инновацион тафаккур соҳибларини тарбиялаш давлат сиёсати даражасига кўтарилди. Кенг кўламдаги ислохотларни амалга ошириш ноъанавий, инновацион тафаккур тарзини шакллантириш ва юксалтиришни талаб қилади. Айниқса, 2018 йилнинг юртимизда “Фаол тадбиркорлик, инновацион ғоялар ва технологияларни қўллаб-қувватлаш йили” деб номланиши мавзунинг долзарблигини янада оширади.

Ўзбекистон Республикасининг “Ёшларга оид давлат сиёсати тўғрисида”ги ЎРҚ–406-сон Қонуни (14.09.2016), “2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича ҳаракатлар стратегияси”<sup>1</sup> га оид ПФ–4947-сон Ўзбекистон Республикаси Президенти Фармони(07.02.2017)нинг 4.4 бандини амалга оширишда,

<sup>1</sup>Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони. Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида // расмий нашр// Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги. – Тошкент: Адолат, 2017. – Б. 26.

“Ўзбекистон ёшлар иттифоқи фаолиятини такомиллаштиришга доир комплекс чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПҚ-3138-сон Қарори (18.07.2017) ва “Маънавий-маърифий ишлар самарадорлигини ошириш ва соҳани ривожлантиришни янги босқичга кўтариш тўғрисида”ги ПҚ-3160-сон Қарори (28.07.2017) ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда ушбу диссертация муайян даражада хизмат қилади.

**Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялар ривожланишининг асосий устувор йўналишларига мослиги.** Диссертация республика фан ва технологиялар ривожланишининг «І.Демократик ва ҳуқуқий жамият-ни маънавий-ахлоқий ва маданий ривожлантириш, инновацион иқтисодиётни шакллантириш» номли устувор йўналиши доирасида бажарилган.

**Мавзунинг ўрганилганлик даражаси.** Постноклассик тафаккур тарзини ўрганиш масаласи ХХ асрнинг сўнгги чорагидан бошлаб фалсафа ва фан методологияси муаммолари доирасига кириб келган бўлса-да, тафаккур тарзи ва усули масаласи қадимги давр фалсафасидан янги давр фалсафасигача маълум маънода стихияли тарзда тадқиқ этилган.

ХХ аср давомида фалсафа ва фан методологиясида, асосан, классик ва ноклассик илмий тафаккур тарзи типлари ва намуналари ўрганилиб келинган (А.С.Кравец<sup>1</sup>, Б.Г.Кузнецов, Л.А.Микешина, И.Б.Новик, Ю.В.Сачков, Э.С.Серебрякова, Р.Г.Стеренберг В.С.Швырев, ва бошқалар).

Илмий тафаккур тарзининг ижтимоий-маданий ва фалсафий-методологик муаммолари Ўзбекистонда М.Н.Абдуллаева, Ж.Т.Туленов, О.Ф.Файзуллаев, Н.А.Шермухаммедова ва бошқалар томонидан тадқиқ қилинган.

Мавзунинг назарий-гипотетик ғояси Ш.С.Қўшоқовнинг 1999 йилда чоп этилган мақоласида берилган<sup>2</sup> бўлиб, унда постноклассик илмий тафаккур тарзига бир қатор белгилар - тадқиқот объектининг универсаллиги, оламга эволюцион ва холистик қарашнинг бирлиги, эпистемологик моделлар ва тадқиқот усулларининг кўп хиллиги, постноклассик тафаккурнинг кўп қутбли ва ночизиқли бўлиши – хослиги таъкидланган. Буларни чуқур ўрганиш тадқиқот олдида қўйилган мақсадлардан бири ҳисобланади.

**Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот режалари билан боғлиқлиги.** Диссертация тадқиқоти Самарқанд давлат университети илмий-тадқиқот ишларининг 2016-2020 йилларга мўлжалланган “Илмий тадқиқот фаолиятини ривожлантириш ва илмий салоҳиятни оширишга йўналтирилган комплекс чора-тадбирлар дастури” доирасида бажарилган.

---

<sup>1</sup> Бу ва бошқа муаллифларнинг асарлари диссертациянинг фойдаланилган адабиётлар руйхатида келтирилган.

<sup>2</sup> Кушаков Ш.С. Постнеклассическая наука и циклистика: точки соприкосновения в методологии и стиле мышления // Материалы Международной конференции «Цикл». Ставрополь: Сев.Кав. ГТУ, 1999. – С. 104 – 105.

**Тадқиқотнинг мақсади** постноклассик илмий тафаккур тарзи хусусиятларини ғоявий ворислик ва инновацион ёндашув нуктаи назаридан очиб бериш.

**Тадқиқотнинг вазифалари:**

тафаккур тарзи рефлексиясини, жумладан, назарий-ғоявий ҳамда ворислик жиҳатларини таҳлил қилиш;

назарий тафаккур тараққиётида илмий тафаккур тарзининг диахроник эволюцияси ва эпистемологиясини тадқиқ этиш;

классик ва ноклассик илмий тафаккур тарзининг хусусиятларини постноклассик тафаккур тарзига нисбатан тутган ўрни ва аҳамияти даражасини аниқлаш;

постноклассик илмий тафаккур тарзининг фалсафий, методологик ва эвристик истиқболи хусусида концептуал ва прогностик умумлаштиришни амалга ошириш;

миллий-тарихий тафаккур тарзининг назарий-концептуал ва категориал жиҳатларини тадқиқ этиш;

илмий тафаккур тарзининг янги тасаввурлар, инновацион ғоялар ва технологиялар билан боғланган томонларини тадқиқ қилиш.

**Тадқиқотнинг объекти** постноклассик илмий тафаккур тарзи.

**Тадқиқотнинг предмети** постноклассик илмий тафаккур тарзининг назарий-концептуал хусусиятларини диахроник ва синхроник аспектларда ўрганиш.

**Тадқиқотнинг усуллари.** Диссертацияда танқидий-рефлексия, объективлик, қиёслаш, тизимли ёндашув нормалари, инновацион ёндашув, таҳлил ва умумлаштириш, тарихийлик ва мантиқийлик бирлиги усулларида фойдаланилган.

**Тадқиқот ишининг илмий янгилиги** куйидагилардан иборат:

постноклассик илмий тафаккур тарзининг моҳияти, ижтимоий зарурияти, ёш мутахассислар ва олимларнинг касбий малакани эгаллашидаги методологик аҳамияти, унинг назарий (прогнозлаштиришда) ва амалий (технологик жараёнлардаги) ўрни кўрсатиб берилган;

постноклассик илмий тафаккур тарзининг табиий, техник ва ижтимоий-гуманитар билим соҳаларида шаклланиши билан боғлиқ ғоявий ворислик, инновацион, эпистемологик, методологик хусусиятлари ҳамда унинг амалиётда намоён бўладиган креатив ва функционал самарадорлиги очиб берилган;

ёшларимиз онгида тафаккур тарзининг трансформацияси (ўзгариши), ижтимоий-тарихий тафаккур тарзининг вужудга келиши ҳамда такомиллашуви, унинг ғоявий, маънавий ва инновацион аҳамияти кўрсатиб берилган;

постноклассик илмий тафаккур тарзининг фан тараққиётида танқидий рационализм, конструктив эпистемология сингари замонавий фан йўналишлари таъсирида вужудга келувчи ички эвристик хусусиятлари, билишдаги фаол конструктив роли, унинг истиқболдаги имкониятлари очиб берилган.

**Тадқиқотнинг амалий натижаси** қуйидагилардан иборат:

“илмий тафаккур тарзи”нинг моҳияти фалсафий рефлексия, ғоявий ворислик ва инновацион ёндашув асосида пролифератив усулини қўллаш йўли билан очиб берилган;

илмий тафаккур тарзининг диахроник ва синхроник жиҳатлари тадқиқ этилиб, синергетик ёндашув асосида ёритилган;

илмий тафаккур тарзи тараққиётида ғоявий ворислик ва инновацион, эвристик, методологик, универсал-умумлаштирувчи жиҳатлари аниқланган;

ҳозирги замон тарих фани ва фалсафасида постноклассик тафаккур тарзининг структураси ва маънавий-маданий хусусиятлари очилган.

**Олинган натижаларнинг ишончлилиги** республика ва халқаро миқёсдаги илмий конференция материаллари тўпламлари, ОАК рўйхатидаги махсус журналлар ҳамда хорижий илмий журналларда чоп этилган мақолалар, хулоса, таклиф ва тавсияларнинг амалиётга жорий этилганлиги, олинган натижаларнинг ваколатли ташкилотлар томонидан тасдиқланганлиги билан изоҳланади.

**Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.** Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти давлат ва нодавлат нотижорат ташкилотларининг миллий, минтақавий фаолиятини бошқариш ва назорат қилишни оптимал ташкиллаштиришда фойдаланиш мумкинлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти республикамиз олимлари ва мутахассисларининг илмий билиш методологияси, илмий тафаккур маданияти ва даражаси, ижодий фикрлаш салоҳиятини такомиллаштириш ва юксалтиришга қаратилган мақсадларда фойдаланиш мумкинлиги билан таъкидланади.

Диссертациянинг амалий аҳамияти олий ва ўрта махсус ўқув юртларида “Ҳозирги замон табиатшунослик концепциялари” “Тафаккур тарзи”, “Табиатшунослик фалсафаси”, “Синергетика фалсафаси”, “Ижод фалсафаси”, “Фан фалсафаси ва методологияси”, “Илмий-тадқиқот методологияси”, “Билиш фалсафаси” сингари махсус курсларини ўқитишда фойдаланиш мумкинлигида кўринади. Ишнинг натижаларидан “Фалсафа қомусий луғат”, “Фалсафа энциклопедик луғат”ларнинг бўлажак нашрларида тафаккур тарзи ва унинг тарихий кўринишларига таъриф беришда фойдаланиш мумкин.

**Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши.** Постноклассик илмий тафаккур тарзида ғоявий ворислик ва инновация муаммоларини тадқиқ этиш асосида:

ёшларимиз онгида тафаккур тарзининг янгиланиши ва трансформацияси, ижтимоий-тарихий тафаккур тарзининг вужудга келиши ҳамда такомиллашуви, унинг ғоявий, маънавий ва инновацион аҳамияти Самарқанд давлат музей кўриқхонасининг “Мустақиллик даври” экспозициясини яратишда амалда қўлланилган (Самарқанд давлат музей кўриқхонасининг 2017 йил 20 ноябрдаги 205-сонли далолатномаси). Илмий ходимлар ва экскурсоводлар, хорижлик қизиқувчи фуқаролар янги маълумотлар ва

фикрлар, янгича назарий мулоҳазалар, хулосалар олишда ундан самарали фойдаланишган;

инновацион-илмий тафаккур тарзининг концептуал мазмуни, ижтимоий зарурияти, ёш мутахассислар ва олимларнинг касбий малакани эгаллашидаги услубий ва методологик аҳамияти, унинг назарий, прогнозлаштириш ва амалий-технологик жиҳатлари Ёшлар иттифоқи Самарқанд вилоят Кенгашининг 2017 йил фаолиятида кенг фойдаланилган. Жумладан, иш режасининг 4.7 - “Ёш олимлар ва иқтидорли ёшлар билан ишлаш” бандида ўз аксини топган (Ёшлар иттифоқи Самарқанд вилоят Кенгашининг 2017 йил 20 октябрдаги 02.06/200-сонли далолатномаси). Бунинг оқибатида мазкур тақлиф ёш ва иқтидорли илмий ходимларнинг илмий тафаккур тарзини юксалтиришга, илмий-ижодий изланиш кўникмасини ҳамда илмий-касбий лаёқатини оширишга самарали таъсир қилган.

техник ва ижтимоий-гуманитар билим соҳаларида постноклассик илмий тафаккур тарзининг шаклланишига оид ғоявий ворислик, инновацион, эпистемологик, методологик хусусиятлари, ҳамда унинг билим ва амалиётда намоён бўладиган креатив ва функционал самарадорлиги Самарқанд вилоят телерадиокомпаниясининг “Ҳаёт саҳифаларида”, “Ассалом, Самарқанд!” кўрсатувини тайёрлашда материал бўлиб хизмат қилган (Самарқанд вилоят телерадиокомпаниясининг 2018 йил 23 февралдаги № 09-02/81 маълумотномаси). Бу тақлифнинг амалиётга жорий этилиши натижасида “Ҳаёт саҳифаларида”, “Ассалом, Самарқанд!” кўрсатувларининг сифати мазмунан юксалган.

Мазкур тадқиқот натижаларига оид тақлиф ва тасвиялар тарихий тафаккур тарзи ҳақидаги қарашлар ёшлар тарихий онгининг юксалиши ва дунёқарашининг кенгайишига, маънавий ўз-ўзини англашига ҳамда Ватанга муҳаббат руҳида тарбиялашга хизмат қилади.

**Тадқиқот натижаларининг апробацияси.** Мазкур тадқиқот натижалари 2 та халқаро ва 24 та республика илмий-амалий анжуманларида муҳокамадан ўтказилган.

**Тадқиқот натижаларининг эълон қилиниши.** Тадқиқот мавзуси бўйича жами 33 та илмий иш, жумладан, Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг диссертациялар асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 7 та мақола (6 та республика ва 1 та хорижий журналларда) чоп этилган.

**Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми.** Диссертация кириш, учта боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва жадваллардан иборат. Диссертациянинг ҳажми 137 бетни ташкил этади.

## ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Диссертация “**Кириш**” қисмида мавзунинг долзарблиги ва зарурати, республика фан ва технологиялари ривожланишининг асосий устувор йўналишлари, диссертация бажарилаётган олий таълим муассасаси ҳамда унинг хорижий илмий-тадқиқот ишлари билан боғлиқлиги, муаммонинг ўрганилганлик даражаси, тадқиқотнинг мақсади ва вазифалари, объекти, предмети, усуллари ёритилган. Шунингдек, илмий янгилиги, амалий натижалари, тадқиқот натижаларининг ишончлилиги ва илмий-амалий аҳамияти тавсифланган.

Диссертациянинг “**Фалсафа ва фанда назарий тафаккур тарзининг роли ва аҳамияти**” деб аталган биринчи бобида тафаккур тарзи фалсафий рефлексия предмети, тадқиқотга рефлексив ёндашувнинг хусусиятлари очилган, илмий тафаккур тарзи: хусусияти, структураси ва функциялари тадқиқ этилган.

Диссертацияда “тафаккур тарзи” тушунчаси фалсафа, дунёқараш, методология, илмий рационаллик каби тушунчалар билан узвий боғланганлиги муҳокама қилинган. Тафаккур тарзининг назарий, амалий ва функционал жиҳатларига таяниб, унинг қуйидаги таърифини бериш мумкин: “ҳар бир тарихий даврда билишнинг концептуал ва категориал томонларини ўзига хос ифода сифатида олимнинг ижод қилиши туфайли тафаккурнинг маълум “қолипи”, “сиймоси” ёки “тури” кўринишида намоён бўладиган рухий-маънавий ҳосилладир”. Давр фани, ижодкор олимнинг ўзига хос фикрлари, ёндашуви, илмий тафаккур тарзида индивидуалликни, хусусийликни келтириб чиқаради. Платон ва Аристотель, Ньютон ва Гюйгенс, Максвелл ва Клаузис, Бор ва Эйнштейнларнинг бетакрор бир қолипга солинмаган, индивидуаллик хислатлари намоён бўлган илмий тарзлардир.

Диссертацияда илмий тафаккур тарзига қуйидагича умумлашма берилган: “илмий тафаккур тарзи тарихан шаклланган тасаввурлар, тамойиллар ва рационаллик нормаларининг шундай мозаик бирлигини ташкил қиладиги, унда у бетакрор, яхлит сиймога эга бўлади, анъанавий ва янги илмий қарашларга нисбатан йўналтириш, бирлаштириш, умумлаштириш, баҳо беришга асос бўлиш функцияларини бажаради”.

Тарихий даврда вужудга келиб, маълум функцияларни бажараётган илмий тафаккур тарзи интеллектуал тараққиёт натижасидир. Мазкур натижа илмий тадқиқот фаолиятининг эвристик ва эпистемологик қирраларини очиб беришда алоҳида аҳамият касб этади. Илмий тафаккур тарзи илмий мактабнинг тадқиқот анъанасини ифодалайди, оламга қараш ва изланиш интенциясини белгилайди. Шундай экан, илмий тафаккур тарзи қадрият хислатини олади, илмий ва маънавий қадрият сифатида фан тараққиётининг ғоявий-маънавий омили бўлиб қолади.

Намоён бўлишда рационал ва нораціонал тафаккур жараёнлари билан боғланган илмий тафаккур тарзи фан тараққиётида янгилашиш ва ворисликни таъминлаш, илмий анъаналарни сақлаш, билиш жараёнида тушуниш, англаш

каби муҳим функцияларни бажаради. Бу илмий тафаккур ривожланиш динамикасини кўриб чиқишда яққол кўринади. Тафаккур тарзидаги динамик (ўсиш) ва диахроник (кўп босқичли эволюцион) жараёнларни ўрганиш уларни таснифлаш, қиёслаш ва эпистемологик томонларини таҳлил қилишни тақозо этади.

Шундай қилиб, инсоннинг фан соҳасидаги интеллектуал фаолиятининг муҳим жиҳати бўлган илмий тафаккур тарзининг ўзига хос хусусиятлари ва функцияларини муҳокама қилиш, уларнинг адабиётларда берилган талқинларини таҳлил қилиш, қуйидаги хулосаларга келиш имкониятини беради:

*Биринчидан*, рефлексияли таҳлил тафаккур тарзининг эвристик ва инновацион қирраларини очиш имкониятини беради. Рефлексив мувоқабата мулоҳаза предмети инсон ва олам муносабатлари интервалида муаммога чуқур кириб боришни тақозо этади. “Тарз” тушунчаси дастлаб маданият ва санъатга доир фаолият хусусиятларини ифодалаш учун фойдаланилган. Фанда илмий тафаккур тарзи ғояси умумназарий, эпистемологик муаммоларни ҳал қилиш мақсадида қўлланила бошланди. Илмий тафаккур тарзи ўз ичига етакчи фаннинг ғоялари, тасаввурлари, тамойиллари, тушунчаларини олади;

*Иккинчидан*, “илмий тафаккур тарзи” парадигмага қараганда, кенг тушунча бўлиб, давр ва амал қилиш жиҳатидан кўпроқ йўналтириш кучи ва ғоявий-интеллектуал мавқеига эга. Илмий тафаккур тарзи ва услуб нисбати муаммосига қарайдиган бўлсак, услуб маълум бир фанда режавий тадқиқотни амалга ошириш учун ишлаб чиқилади ёки унга асосланиб изланиш олиб борилади, тафаккур тарзи эса парадигма ёки ишлаб чиқиётган тасаввурлар ва ғоялар учун ўзига хос инновацион-эвристик муҳит ролини бажаради;

*Учинчидан*, ҳам ақлий-манتيқий фикрлаш, ҳам нораціонал тафаккур фаоллиги жараёнида намоён бўладиган ижод қилиш динамикаси ва кўлами тадқиқотчи тафаккури теранлиги, унинг мунтазам ва жиддий меҳнат қилиши билан белгиланади.

Диссертациянинг иккинчи боби **“Илмий тафаккур тарзи динамикаси. Классикликдан постноклассиклик сари”** деб аталган бўлиб, унда илмий тафаккур тарзининг тарихий-эпистемологик жиҳатлари ва типлари таҳлил қилинган.

Диссертациянинг ушбу қисмида антик даврдан то ҳозирги давргача ривожланиб келаётган илмий тафаккур тарзининг тарихий кўринишлари диахроник ва синхроник жиҳатдан тадқиқ этилган.

Илмий тафаккур тарзида намоён бўладиган эпистемологик пролиферациясини кўриб чиқишда П.Фейерабенднинг фан концепциясига мувожаат қилиш мумкин. П.Фейерабенднинг асосий ғоясига кўра, билимнинг ўсиши альтернатив назарияларни ишлаб чиқиш йўли билан «томир отиши» ва тармоқланиб кетиши шаклида содир бўлади.

Диссертацияда илмий тафаккур тарзи ҳақидаги илмий хулосалар умумлаштирилган ҳолда, унинг ҳозирги замон постноклассик фанлар

кесимида ўзига хос таснифи ишлаб чиқилган. Тафаккур тарзида пролиферация унинг классик, ноклассик ва постноклассик кўринишларида эволюцион, тизимли ва кибернетик типлари, диалектик, бинар, метафизик, инновацион ва бошқа шохобчаларга бўлиниб кетишида намоён бўлади.

Антик назарий тафаккурда эришилган илмий рационаллик нормалари ғоявий ворислик механизми асосида мусулмон Шарқи фалсафаси ва фанида ҳар томонлама юксак даражага кўтарилди. Шуниси диққатга сазоворки, мусулмон Шарқи фалсафаси ва фанида илмий тафаккур тарзининг шаклланиши, илмий рационаллик нормаларининг ишлаб чиқилиши Ғарб классик фани ҳамда илмий тафаккур тарзида амалиётга татбиқ этилиши билан белгиланган. Мусулмон Шарқи Ренессанси мутафаккирларининг илмий ютуқлари, хусусан, Ал-Хоразмийнинг алгебраси, Ибн Синонинг “Тиб қонунлари”, Улуғбекнинг “Зиҳ”и Европа Ренессанси илмий тафаккур тарзининг шаклланишида эвристик замин бўлди.

Ренессанс давридан бошлаб Ғарб ўрта аср тафаккурига хос схоластик назарий ақидаларга зид бўлган математик, механик, физик тушунчалар, тасаввурлар ва тамойиллар ривожланди. Классик илмий тафаккур тарзининг ғоявий-назарий замини механикада шаклланди. Хусусан, етакчи (лидер) фан сифатида механикада инқилобий характерга эга бўлган илмий ғоялар, тадқиқот усуллари классик илмий тафаккур тарзининг ғоявий-эвристик заминига айланди. Янги замон фанида классик эволюцион тафаккур тарзининг шаклланишида биологик ғоялар катта роль ўйнади. Эволюцион назария биологияда классик илмий тафаккур тарзини янги босқичга кўтарди.

Кеч ўрта асрда шаклланган табиатшунослик ғоялари (инерция, импетус ва бошқалар) Ғарб уйғониш даврида содир бўлган коперникча инқилобнинг назарий-ғоявий манбаи бўлди. Классик илмий тафаккур тарзининг вужудга келиши назарий тафаккурда ўзига хос рационал ходиса сифатида намоён бўлди. Галилей, Кеплер ҳамда Ньютонларнинг илмий ижодида классик илмий тафаккур тарзининг асосий унсурлари шаклланди ва механистик олам манзарасини ишлаб чиқишга асос бўлиб хизмат қилди. XIX асрда классик илмий тафаккур тарзи таркибига эволюцион парадигма ғоялари ва тасаввурлари кириб борди. Классик рационалликдаги илмий тафаккур тарзи, биринчидан, эксперимент, тажрибада текшириш, иккинчидан, аналитик ёндашув, қисмларга ажратиб ўрганиш каби тамойилларга асосланган. XIX аср ўртасига келиб, оламнинг механистик тафаккур тарзида ифода этилиши назарий-концептуал инқирозга учради. Классик тафаккур тарзи ўзининг эвристик самарадорлиги ва тарихий чекланганлигини кўрсатди.

Ноклассик илмий тафаккур тарзининг шаклланишида фан-техниканинг турли жабҳаларида XIX аср охири ва XX бошларида содир бўлган илмий инқилобларнинг роли катта бўлди. XX асрда аниқ ифодаланган фалсафий позициянинг шаклланиши айнан квант механикасидан бошланди. Ноклассик тафаккур тарзлари гуруҳида ўзининг эвристик ўрнини тизимли тафаккур тарзи эгаллайди. Тизимлилиқ илмий билишга бир бутунлик, билиш қисмлари ўртасида алоқадорлик, олинган билимга эса асосланганлик, ишончли бўлиш хислатларини беради.

Ҳозирги даврда илмий билишнинг барча соҳаларида тизимли тафаккур тарзи постноклассик илмий тафаккур тарзига ўтиш жараёнида назарий-ғоявий ворислик функциясининг ортиб бориши кузатилмоқда. Билишда тобора чуқурроқ ҳар томонлама ва кўп томонлама ёндашувнинг зарурлиги талаб ва тақозо қилиняпти.

Иккинчи боб хулосалари қуйидагилардан иборат:

*Биринчидан*, метафизик ва бинар тафаккур тарзининг хусусияти предметдаги барқарорликни, айниятликни, хосса ва сифатнинг турғунлигини мутлақлаштиришда намоён бўлади. Тафаккур инерцияси метафизик ва догматик тафаккур тарзини психологик асоси сифатида янгича фикрлашни шакллантириш жараёнини мураккаблаштиради. Инновацион тафаккур догматик, метафизик ва бинар тафаккур тарзига қарама-қарши бўлиб, унда янгиланиш, постноклассик илмий тафаккур тарзининг эвристик жиҳатлари динамикасини кўриш мумкин;

*Иккинчидан*, мусулмон Шарқидаги рационалистик тафаккур тарзи Европа Ренессанси илмий инқилобига концептуал-назарий замин бўлиб хизмат қилди.

*Учинчидан*, XX асрда вужудга келган ноклассик тафаккур тарзи кучайган назарий рефлексивлик хислати ва илмий билишнинг гносеологик ва методологик масалаларига бўлган эътиборнинг юқорилиги билан ажралиб туради. Табиатшунослик фанларига вақт тушунчасини киритиш, шунингдек ривожланиш ғоясини, нозизиқлилик, тўлдирувчанлик, ноаниқлик тамойилларининг янада кенгроқ тарқалиши ноклассик илмий тафаккур тарзининг характерли жиҳати бўлди.

Диссертациянинг учинчи боби **“Постноклассик илмий тафаккур тарзи: шаклланиши, муаммолар ва ёндашувлар”** деб номланган. Тадқиқотнинг ушбу қисмида постноклассик илмий тафаккур тарзининг хусусияти, эвристик жиҳатлари, постноклассик фанлар ва тафаккур тарзининг вужудга келиши ҳамда ўзаро таъсири масаласи таҳлил қилинган.

Постноклассик фанлар доирасида ишлаб чиқилган ғоялар, тасаввурлар ҳамда илмий тафаккур тарзлари бошқа табиий-техник, ижтимоий-гуманитар фанларнинг назариялари ва ғояларига концептуал ва методологик таъсир кўрсатмоқда. Бундай ўзгаришлар жиддий фалсафий талқинга муҳтож бўлган муаммоларни келтириб чиқармоқда. Шунини таъкидлаш жоизки, мавжуд фалсафий адабиётлар ҳамда луғатларда илмий тафаккур тарзига классик ва ноклассик фан нуктаи назаридан таъриф берилган.

Постноклассик илмий тафаккур тарзи хусусида мулоҳаза юритиб, унга дастлабки ишчи таъриф сифатида қўйидаги изоҳни бериш мумкин: “Постноклассик илмий тафаккур тарзи моддий ва маънавий борликни ўрганадиган фанларга нисбатан интенция кучига эга бўлган нозизиқлик, кўп ўлчовлик, беқарорлик, номуайянлик, тартибсизлик, даврийлик, тадрижийлик, номувозанатлик, универсаллик каби концептуал унсурларни мужассамлаштирган ғоявий-назарий ҳосиладир”.

Бу илмий тафаккур тарзининг эвристик рационаллиги шундаки, унда бир томонламалик, чекланганлик жиҳатлари ўрнига ҳар томонлама олиб

қараш (универсаллик), методологик плюрализм, триалектика (триадизм), полилектика, синергетик ёндашувлар шаклланиб, улар барча фан тармоқларига кириб бориши мойилликларини кузатиш мумкин. Узлуксиз содир бўлаётган илмий ва технологик инқилобларнинг олдинги сафида бўлган янги фундаментал фанлар – глобал эволюционизм, синергетика, экология, циклистика, виртуалистика, фрактал геометрия, нанофан, ҳалокатлар назарияси ва бошқалар илмий муҳитда чуқур ўзгаришларга олиб келмоқда, бу эса янгича илмий тафаккур тарзининг шаклланишига сабаб бўлади.

Коэволюция тамойилига асосланган глобал экологик тафаккур тарзи шаклланмоқда. Унда коинот, табиат ва жамиятнинг бир вақтнинг ўзида ҳам мустақил ривожланиши, ҳам бир-бирларига таъсир кўрсатиши ялпи жараён эканлиги ғояси ётади. Илмий тафаккур тарзининг муҳим унсури сифатида коэволюция табиий ва ижтимоий-гуманитар билимлар синтезини амалга ошириш қобилиятига ҳам эга. Шунинг учун ҳозирги замон ривожланиш босқичида турли соҳалардаги фундаментал билимларнинг доимий алоқадорлиги ва мустаҳкам жипслашуви катта эвристик потенциалга эга. Барқарорлик ва тартибсизликка асосланган олам марказида яна инсон турмоқда. Тадқиқотда постноклассик тафаккур тарзида фан, техника ва маданият оламини гуманизм тамойиллари билан бойитиш аниқланди.

Постноклассик тафаккур тарзининг муҳим концептуал ирмоғини фалсафа ва фанда кенг татбиқ қилинаётган циклистик илм ва ёндашув ташкил қилади. Кейинги йилларда виртуалистика йўналишининг ривожланиши постноклассик илмий тафаккур тарзида янгича, яъни виртуалистик ёндашувларни келтириб чиқарди. Виртуаллик ғояси постноклассик илмий тафаккур тарзининг муҳим ғоявий, эвристик ва эпистемологик унсурларига айланмоқда.

Ҳозирги замон Ғарб фалсафа ва фанлар методологиясида илмий тафаккур тарзининг постноклассик моделлари хусусида фикр юритганимизда, К.Поппер, П.Фейерабенд, И.Лакатос, Т.Кун ва М.Поланилар ишлаб чиққан фан тараққиётининг назарий-методологик концепциялари постноклассик фан ва тафаккур тарзининг шаклланишида муҳим роль ўйнади.

Республикамизда истиклол даврида вужудга келаётган постноклассик илмий тафаккур тарзининг фалсафий талқинлари хусусида фикр билдирадиган бўлсак, Ўзбекистон фалсафаси янги маънавият оламига интеллектуал қадам ташлаб, постноклассик фалсафа парадигмасига хос бўлган хусусиятлари намоён бўлганлигини кўришимиз мумкин. Яъни, Ўзбекистон фалсафасида “фалсафанинг янги сиймоси” шаклланиб, постноклассик қиёфага ўтиши ва янгича тафаккур тарзининг ривожланишига оид дастлабки изланишлар ҳақида фикр-мулоҳазалар юритилган.

Мустақиллик йилларида тарих фанида бир қанча парадигмал ўзгаришларни эътироф этиш мумкин. Тарихга фалсафий ва метаназарий ёндашув тарихий тафаккур тарзининг муҳим эпистемологик унсурини ташкил этади. Диссертацияда мустақиллик йилларида шаклланаётган тарихий тафаккур тарзининг муҳим концептуал унсурлари (объективлик,

холисоналик, тизимлилик, ворисийлик, танқидий-рефлексивлик) аниқланган. Бу концептуал жиҳатлар постноклассик тафаккур тарзининг назарий-эпистемологик томонларини тўлдиради.

Шаклланаётган постноклассик тафаккур тарзи ўзининг, Имре Лакатоснинг ибораси билан айтганда, эвристик белбоғига синергетика, нанофан, глобалистика, виртуалистика, циклистика каби илмий йўналишлар тушунчалари, тамойиллари ва категорияларини киритиб, фан ва фалсафада янги методологик чизгилар ҳамда парадигмал жиҳатларни очиб бериш учун мутаносиб назарий-ғоявий муҳит яратмоқда. Айниқса, постноклассик фалсафа ва фанда постноклассик тафаккур тарзининг имкониятларни англаш кўпгина методологик истиқболларни очиб беради.

Постноклассик илмий тафаккур тарзининг таҳлилидан қуйидаги хулосалар келиб чиқади:

*Биринчидан*, постноклассик илмий тафаккур тарзи энди шаклланаётган ва ўзининг шаклланиш диахроникасига эга бўлган назарий-маънавий ҳосила бўлиб, у турли илмий тармоқлардан хилма-хил ғоя ва тасаввурларни ўз таркибига олди. Постноклассик илмий тафаккур тарзи ноклассик тафаккур тарздан тубдан фарқ қилса-да, ундаги айрим ғояларни (бошқариш, ўз-ўзини ташкиллаштириш, экологик парадигма, даврийлик, тадрижийлик ва бошқалар) ғоявий ворислик механизми асосида сақлаб қолади.

*Иккинчидан* экологик тафаккур тарзи постноклассик илмий тафаккур тарзида янги мазмунга эга бўлди. Коэволюция ва глобал эволюционизм ғоялари заминида шаклланаётган постноклассик илмий тафаккур тарзининг эвристик роли ортиб бормоқда. Синергетика, виртуалистика ғоялари ҳамда нанофан постноклассик илмий тафаккур тарзининг ғоявий-концептуал таркибига ахборот ва интернет технологиялари таъсирида кириб бораётган унсурга айланмоқда;

*Учинчидан*, истиқлол даврида миллий истиқлол ғояси руҳида янги фалсафий тафаккур тарзининг шаклланиши ва унда Ғарб, рус фалсафий мактабларининг таъсирини кўриш мумкин. Шунингдек, миллий тикланиш ва миллий ғурурнинг асосий атрибути тарихий тафаккур тарзининг шаклланиши фуқаролик жамиятини қуришдаги муҳим интеллектуал омил бўлиб хизмат қилади.

## ХУЛОСА

“Постноклассик илмий тафаккур тарзида ғоявий ворислик ва инновация муаммолари” мавзусидаги докторлик диссертацияси бўйича олиб борилган тадқиқот натижасида қўйидаги хулосалар тақдим этилади:

1. Илмий тафаккур тарзига рефлексияли ёндашув илмий тафаккур тарзининг моҳияти ва кўп қиррали томонларини мумкин қадар тўла ва бир бутун тасвирлаш имкониятини беради. Буюк аллома ва олимларнинг илмий ва ижодий изланишларини таҳлил қилиш буни тасдиқлайди. Тафаккур тарзи муаммосига рефлексияли ёндашув, унинг тарихий типлари ўртасидаги боғланишда ворисликнинг намоён бўлишини кўрсатади;

2. Ўтказган тадқиқотимиздан келиб чиқадиган асосий эпистемологик хулоса шуки, илмий тафаккур тарзи оламнинг илмий манзараси ва фан методологиясига таъсир қиладиган, юзага келган кашфиётларга метаназарий маъно ва умумлашма берадиган, истиқболни кўрсатадиган ёки аксинча, ўзи тубдан ўзгариши мумкин бўлган маънавий-руҳий ҳосиладир;

3. Маънавият ва фан тараққиётини илмий билиш ва илмий тафаккур тарзининг пролиферацияси, яъни уларнинг тармоқланиши юз бериб, кейинги даврда улар ўртасида коэволюцион мутаносиблик ёки қарама-қаршилик ҳолатлари содир бўлади;

4. Мусулмон Шарқида рационаллик мезонларига асосланган илмий тафаккур тарзининг заминида буюк алломаларимиз ўз ижодларида татбиқ этган аниқлик, исботланганлик, мантикийлик, тажрибага асосланиш тамойиллари ётади. Классик илмий тарзининг концептуал унсурлари тамомила рад этилмаган ҳолда, унинг баъзи бир ғоялари, тушунчалари ва тамойиллари ноклассик илмий тафаккур тарзига ўтиб, янги мазмун олди. Бу универсаллик ва полиморфизмга асосланган билиш диалектикасининг битта қиррасини билдиради;

5. Ноклассик илмий тафаккур тарзининг характерли жиҳатлари бўлган тўлдирувчанлик, эҳтимолийлик, чизиқлилиқ, номуайянлик, инвариантлик, дискретлик тамойиллари фан парадигмасининг шаклланиш босқичида изланишнинг эвристик манбаига айланди. Постноклассик илмий тафаккур тарзи ноклассик тафаккур тарзидан тубдан фарқ қилса-да, ундаги айрим ғоявий ворислик механизми асосида сақланиб қолинди;

6. Постноклассик илмий тафаккур тарзининг концептуал-эвристик жиҳатларини кўриб чиқишда, методологик плюрализм, билим полиморфизми ва пролиферацияси, антроп тамойили, фандаги «инсон ўлчови» ғояси, метаназарий ёндашув каби инновацион ўзгаришларнинг мужассамлашганини эътироф этиш мумкин. Постноклассик тафаккур тарзининг муҳим хусусиятлари ночизиқлик, синергетик тараққиёт тамойиллари, кўп ўлчовли тафаккур, плюралистик ёндашув, универсал-холистик қараш ва ҳоказолардан иборат бўлиб, улар янги шаклланаётган постноклассик дунёқарашнинг назарий-ғоявий ўзагини ташкил қилади;

7. Ҳозирги илмий тафаккурда содир бўлаётган яна бир инновацион жараёнлардан бири синергетик тафаккур тарзининг постноклассик илмий тафаккур тарзи муҳим эвристик ирмоғига айланишидир. Тадқиқот шуни кўрсатадики, постноклассик илмий тафаккур тарзининг шаклланишида синергетика ғоялари ва тамойилларининг ўрни беқиёс бўлиб, унинг муҳим концептуал бўғини ва ғоявий-назарий «тури»га айланди;

9. Мустақиллик йилларида фалсафанинг янги сиймоси виртуалистика, синергетика, ўйин назарияси, постноклассик фалсафа, инновацион тафаккур тарзи йўналишларида ривожланиб борди. Бу эса жамиятда янгича, яъни постноклассик илмий тафаккур тарзининг шаклланишида муҳим аҳамият касб этди. Тарихий тафаккур тарзини шакллантириш ва ривожлантиришнинг асосий омиллари фуқаролик жамияти ҳамда ҳуқуқий демократик давлат қуришда муҳим интеллектуал вазифани бажаради.

**НАУЧНЫЙ СОВЕТ DSc.27.06.2017.F.02.02  
ПО ПРИСУЖДЕНИЮ УЧЕНЫХ СТЕПЕНЕЙ  
ПРИ САМАРКАНДСКОМ ГОСУДАРСТВЕННОМ УНИВЕРСИТЕТЕ**

---

**САМАРКАНДСКИЙ ГОСУДАРСТВЕННЫЙ УНИВЕРСИТЕТ**

**СУЛТАНОВА ГУЛЬНОЗА САБИРОВНА**

**ИДЕЙНАЯ ПРЕЕМСТВЕННОСТЬ И ПРОБЛЕМЫ ИННОВАЦИИ  
В ПОСТНЕКЛАССИЧЕСКОМ СТИЛЕ НАУЧНОГО МЫШЛЕНИЯ**

**09.00.01- Онтология, гносеология, логика**

**АВТОРЕФЕРАТ ДИССЕРТАЦИИ НА СОИСКАНИЕ УЧЕНОЙ СТЕПЕНИ  
ДОКТОРА ФИЛОСОФИИ (PhD)**

Самарканд – 2018

Тема диссертации на соискание ученой степени доктора философии (PhD) зарегистрирована Высшей аттестационной комиссией при Кабинете Министров Республики Узбекистан под номером В 2017.2.PhD/Fal 70.

Диссертация выполнена в Самаркандском государственном университете.

Автореферат диссертации размещен на трех языках (узбекский, русский, английский (резюме)) на веб-странице samdu.uz, по адресу (www.ziynet.uz) информационно-образовательного портала “ZiyoNet”.

**Научный руководитель:**

**Кушаков Шухрат Солихович**  
доктор философских наук, профессор

**Официальные оппоненты:**

**Бердимурадова Алима Карлыбаевна**  
доктор философских наук, профессор

**Туленова Карима Жондоревна**  
доктор философских наук, профессор

**Ведущая организация:**

**Бухарский Государственный Университет**

Защита диссертации состоится “\_\_\_\_\_” \_\_\_\_\_ 2018г. в \_\_\_\_\_ часов на заседании ученого совета DSc.27.06.2017.F.02.02 при Самаркандском государственном университете. (Адрес: 140104, г. Самарканд, Университетский бульвар, 15. Тел: (0366) 239-13-87, 239-11-40; факс: (0366) 239-11-40; e-mail: rektor@samdu.uz Самаркандский государственный университет. Исторический факультет, 1-этаж, 105-аудитория)

С диссертацией можно ознакомиться в Информационно-ресурсном центре в Самаркандском государственном университете (зарегистрирована под № \_\_\_\_\_). Адрес: 140104, г. Самарканд, Университетский бульвар, 15. Тел: (0366) 239-13-87, 239-11-40; факс: (0366) 239-11-40

Автореферат диссертации разослан « \_\_\_\_\_ » \_\_\_\_\_ 2018 года  
(протокол реестра № \_\_\_\_\_ от « \_\_\_\_\_ » \_\_\_\_\_ 2018 года).

**Б.О.Тураев**

Председатель научного совета по присуждению  
ученых степеней, д.ф.н., профессор

**О.М.Гайбуллаев**

Ученый секретарь научного совета по  
присуждению ученых степеней, д.ф.н., доц.

**С.Каримов**

Председатель научного семинара при научном совете по  
присуждению ученых степеней, д.ф.н.

## **ВВЕДЕНИЕ (аннотация диссертации доктора философии(PhD))**

**Актуальность и востребованность темы диссертации.** В настоящее время превращение мировой цивилизации в сообщество постиндустриальных стран, процессы информатизации, компьютеризации и глобализации межкультурного диалога привели к серьезным изменениям в сфере жизнедеятельности, науки и образе мышления человека. А процессы дифференциации и интеграции, происходящие в философской и научной сфере, становятся причиной возникновения, во-первых, парадигмальных инноваций, во-вторых, нового типа стиля философского и научного мышления.

Научно-технологические и когнитивные преобразования, начатые в последней четверти XX века, привели к интенсивному развитию идейной преемственности и инновационных процессов, а также стали причиной возникновения нового научного феномена, как постнеклассическое научное мышление. Такие направления современных наук, как универсальный эволюционизм, виртуалистика, синергетика, фрактальная теория, призваны изучать сложнейшие объекты; они показали, что эпистемологические возможности образов мышления, основанных на правила и принципы классических и неклассических наук, являются ограниченными. Современный образ постнеклассического научного мышления открывает возможности для более глубокого анализа и прогноза перспектив новых идей, концептуальных и технологических проектов, созданных в философии, науке и технических. В то же время данный тип мышления ставит перед философией онтологические, эпистемологические, методологические и научно-теоретические проблемы нового содержания. Сегодня особую актуальность обрели такие вопросы, как анализ сущности постнеклассического стиля научного мышления, его творческих возможностей; отношение к научным традициям, изучение теоретических и концептуальных инновационных идей, осуществляемых в ведущих науках и технологиях; осознание их эпистемологической и методологической значимости.

В целях модернизации и либерализации процессов стабильного развития Узбекистана, воспитания молодежи, обладающей инновационным мышлением и способной создавать современные научные направления и технологии, возведено в ранг государственной политики. Осуществление широкомасштабных реформ требует формирования и повышения стиля инновационного, нетрадиционного мышления. В частности, объявление 2018 года в нашей стране «Годом поддержки активного предпринимательства, инновационных идей и технологий» еще больше повышает актуальность диссертационной темы.

Данная диссертация в определенной степени служит во исполнение Закона Республики Узбекистан ЗРУ-406 «О государственной политике в отношении молодежи» (14.09.2016), пункта 4.4 Указа Президента Республики Узбекистан «О стратегии действий по дальнейшему развитию

Республики Узбекистан» (07.02.2017)<sup>1</sup>, Указов Президента РУз УП-3138 «О комплексных мерах по совершенствованию деятельности союза молодежи Узбекистана» (18.07.2017) и УП-3160 «О повышении эффективности духовно-просветительских работ и поднятии развития сферы на новый уровень» (28.07.2017).

**Связь исследования с приоритетными направлениями развития науки и технологии в республике.** Диссертация выполнена в рамках приоритетного направления развития науки и технологии в республике: «Духовно-нравственное и культурное развитие. Формирование инновационной экономики демократического и правового государства».

**Степень изученности проблемы.** Хотя вопрос изучения постнеклассического стиля мышления вошел в круг проблем методологии философии и науки лишь в последней четверти XX века, вопросы стиля и метода мышления стихийно исследовались от античной философии до философии нового времени.

В философии и методологии науки XX века предметом философской рефлексии были в основном типы и образы классического и неклассического стиля мышления (А.С.Кравец<sup>2</sup>, Б.Г.Кузнецов, Л.А.Микешина, И.Б.Новик, Ю.В.Сачков, Э.С.Серебрякова, Р.Г.Стеренберг В.С.Швырев и др.).

В Узбекистане социокультурные и методологические проблемы стиля научного мышления рассматривались в работах М.Н.Абдуллаевой, Ж.Т.Туленова, О.Ф.Файзуллаева, Н.А.Шермухаммедовой других авторов.

Теоретико-гипотетическая идея данной работы была дана и в статье Ш.С.Кушакова, опубликованной в 1999 г. В ней подчеркивается, что постнеклассическому стилю научного мышления присущи ряд существенных признаков: универсальность метаязыка постнеклассических наук; единство эволюционного и холистического взгляда на мир; многообразие эпистемологических моделей и подходов; многополярность и нелинейность постнеклассического стиля научного мышления<sup>3</sup>. Углубленное изучение в этой области является одной из задач, поставленных перед исследованием.

**Связь темы диссертации с научно-исследовательскими работами высшего учебного заведения, где выполнена работа.** Диссертация выполнена в рамках «Программы комплекса мер, направленных на развитие научно-исследовательской деятельности и повышения научного потенциала» Самаркандского государственного университета, рассчитанной на 2016-2020гг.

---

<sup>1</sup>Ўзбекистон Республикасининг Президентининг Фармони. Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида // расмий нашр // Ўзбекистон Республикаси Адлия вазири. – Тошкент: Адолат, 2017. – Б 63.

<sup>2</sup> Их исследования приведены в «Списке использованной литературы» в конце диссертации.

<sup>3</sup> Кушаков Ш.С. Постнеклассическая наука и циклистика: точки соприкосновения в методологии и стиле мышления // Материалы Международной конференции «Цикл». Ставрополь: Сев.Кав. ГТУ, 1999. – С. 104 – 105.

**Цель исследования** состоит в том, чтобы изучить природу и формирование постнеклассического стиля научного мышления, проявление в нем идейной преемственности и инновации.

**Задачи исследования:**

анализ рефлексии стиля мышления, в том числе анализ теоретико-идейных и преемственных свойств;

диахронических и синхронических аспектов стиля научного мышления;

изучение диахронной эволюции и эпистемологии научного мышления в развитии теоретической мысли;

исследовать идейную преемственность классического, неклассического и постнеклассического стилей научного мышления;

сформировать концептуальные и прогностические обобщения по поводу философских, методологических, функциональных и эвристических перспектив развития постнеклассического стиля научного мышления.

**Объект исследования** постнеклассический стиль научного мышления.

**Предмет исследования** – изучение теоретико-концептуальных характеристик постнеклассического стиля научного мышления в диахронических и синхронических аспектах.

**Методы исследования.** В исследовании использованы методы критической рефлексии, сравнительного сопоставления, инновационного и системного подходов, а также и методы исторические и логические.

**Научная новизна исследования** выражается в следующих положениях:

показана сущность постнеклассического стиля научного мышления, его социальная востребованность, методологическое значение результатов исследования в обретении молодыми учеными и специалистами профессиональной квалификации, а также его место в теории (прогнозировании) и практике (технологических процессах);

раскрыта идейная преемственность, а также инновационные, эпистемологические, методологические особенности постнеклассического научного мышления, связанные с его формированием в естественной, технической и социально-гуманитарной сферах познания, его креативная и функциональная эффективность, проявляющиеся на практике;

показана трансформация стиля мышления в сознании молодежи, возникновение и совершенствование стиля социально-исторического мышления, а также его идейное, духовное и инновационное значение;

